

«ТАСДИҚЛАНГАН»

«UzAuto Motors»
акциядорлик жамияти
акциядорининг қарори билан



Ягона акциядор қарори баённомаси

№ 3-2020

2020 йил 25 август куни

С. Гафаров

“UZAUTO MOTORS”

AKSIYADORLIK JAMIYATINING

УСТАВИ

(янги тахрирда)

МУҚАДДИМА

Мазкур Устав «UZAUTO MOTORS» акциядорлик жамиятининг (бундан буён матнда “**Жамият**”) охириги тахрирдаги Устави бўлиб, Жамият ягона акциядорининг 2019 йил 25-июндаги 1-2019-сонли қарори билан тасдиқланган ва илгари рўйхатдан ўтказилган Уставини бутун ва тўлиқ ўзгартиради ва ўрнини эгалайди.

Жамият ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 2014 йил 6 майдаги тахририга, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг амалдаги бошқа Қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширади.

1-МОДДА.

ТАЪРИФЛАР

1.1. Мазкур Уставнинг матнида атамалар ва иборалар қуйидаги маънога эга бўлади:

“**Аффилланган шахслар**” - Жамият битим тузишидан манфаатдор шахслар
“**Йиллик дивидендлар**” – йиллик жамият соф фойдасининг акциядорлар ўртасида тақсимланадиган қисмидир.;

“**Қонунчилик**” Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари, Ўзбекистон Республикаси иштирокчи ҳисобланган халқаро шартномалар, Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларнинг буйруқлари ҳамда қарорлари, шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари;

“**Тафтиш комиссияси**” Жамиятнинг молиявий ва иқтисодий фаолиятини назорат қилувчи 15-моддада кўрсатиб ўтилган органи ҳисобланади;

“**Аудитор**” 18-моддада кўрсатилган маънога эга;

“**Устав**” Жамиятнинг мазкур Уставини билдиради;

“**Устав фонди**” 5.4-моддада кўрсатилган маънога эга;

“**Жамият**” Муқаддимада келтириб ўтилган маънога эга;

“**Ҳисоблаш комиссияси**” 12.11-моддада келтирилган маънога эга;

“**Ички аудит хизматининг бўлими**” Жамиятнинг ички аудит хизматининг бўлимини англатади;

“**Бош директор**”, Жамиятнинг кундалик фаолиятини бошқарувчи яккабошчилик асосидаги ижроия органи ҳисобланади;

“**Ҳукумат**” Ўзбекистон Республикаси ҳукуматини англатади;

“**Давлат органи**” давлат ёки мамлакатни (ёки бирор-бир бўлинмани), ёки Ўзбекистон Республикаси бирор-бир давлат тузилмасини, идораси, бюроси, комиссияси, департамент ёки шунга ўхшаш органи, ёки унинг муассасини, ёки ҳар қандай давлат суди ва трибуналинни билдиради;

“**Интеллектуал мулк**” қуйидагиларни билдиради: (а) барча ихтиролар (патентланадиган ёки патентланмайдиган, амалда ишлатиладиган ёки ишлатилмайдиган), уларга барча такомиллаштиришлар, шунингдек барча патентлар, патент буюртмалари ва патентга ихтиронинг таърифлари, уларнинг барча кейинги нашрлари, узайтирилишлари, қисман узайтирилишлари ва қайта кўрилишлари, узайтирилишлар ва қайта текширилишлари билан, (б) барча савдо русумлари, хизмат кўрсатиш белгилари,

домен номлари, махсулотнинг расмийлаштирилиши, эмблемалар, савдо номлари ва корпоратив номлар, уларнинг барча таржималари, мослашувлари, ясалган сўзлари ва сўз бирикмалари билан, шу жумладан улар билан боғлиқ бўлган гуд-вилл, шунингдек улар билан боғлиқ барча аризалар, рўйхатга олишлар ва тиклашлар, (с) барча муаллифлик ҳуқуқи билан муҳофаза қилинадиган ишлар, барча муаллифлик ҳуқуқлари ва улар билан боғлиқ барча аризалар, рўйхатга олишлар ва тиклашлар, (d) барча савдо сирлари, техник ахборот ва махфий иш ахбороти (жумладан илмий тадқиқотлар, ноу-хау, формулалар, таркиблар, ишлаб чиқариш ва тайёрлаш жараёнлари ва технологиялари, техник маълумотлар, дизайнлар, чизмалар, спецификациялар, мижозлар ва етказиб берувчиларнинг рўйхатлари, нархнинг шаклланиши ва таннарх маълумотлари, шунингдек маркетинг усуллари ва бизнес юритиш усуллари, режалар ва таклифлар), (e) барча дастурий таъминот (жумладан моделлар, алгоритмлар, маълумотлар ва тегишли ҳужжатлар), (f) барча нархни шакллантириш моделлари ва улар билан боғлиқ бўлган маълумотлар ва ҳужжатлар, ва (g) юқорида санаб ўтилганларнинг барча нусхалари ва моддий манбалари (исталган шаклда ёки ифодада);

“АЖ тўғрисидаги Қонун” 2014 йил 6 май таҳрирдаги ва кейинчалик ўзгаришларни инобатда олинган ҳолда киритилган Ўзбекистон Республикасининг УРҚ-370-сонли **“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида”** ги Қонунни билдиради;

“Захира фонди” 9.2-моддада кўрсатиб ўтилган маънога эга;

“АУЙ” ёки **“Акциядорларнинг умумий йиғилиши”** Жамият акциядорларининг умумий йиғилишини, Жамиятнинг олий бошқарув органини англатади;

“Акциялар” Жамият томонидан ҳужжатсиз шаклда чиқарилган, ҳар бири 1 (бир) Сўм номинал қийматга эга бўлган эгасининг номи ёзилган оддий ҳужжатсиз шаклидаги акцияларни билдиради.

“Шуъба хўжалик жамияти” устав фондидаги Жамиятнинг кўпчилик улуши борлиги ёки тузилган шартномага мувофиқ ёки ўзга тарзда туфайли қабул қилаётган қарорларига таъсир ўтказиш имконияти бор бўлган акциядорлик жамиятини ёки масъулияти чекланган жамиятни билдиради;

“Кузатув кенгаши” Жамият фоалияти устидан умумий бошқарувни амалга оширувчи Жамият бошқарув органини англатади;

“МХХС” Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини билдиради.

“БҲМС” Ўзбекистон Республикасининг бухгалтерия ҳисоби миллий стандартларини билдиради.

“Ваколатли дилер” Жамиятни чакана савдо қилиш ва махсулотларга хизмат кўрсатиш учун жалб этадиган ва Жамият билан амалдаги дилерлик шартномасига эга бўлган ташкилотни англатади.

1.2. Талқин этиш

Мазкур Уставда, агар контекстга кўра бошқача ҳолат талаб этилмаса:

(a) ушбуда келтирилган термин сўзлар бирлик маъносидаги сўзларни ёки кўпликни англатиши мумкин ёки тескариси, эркакни билдириши мумкин бўлган сўзлар аёлни, шахсизни ҳам билдиради ёки тескариси;

(b) **“қун”** ёки **“қунлар”**га ҳаволалар тақвим кунларини билдиради;

(c) Бўлимлар, Моддалар, Бандлар ва Муқаддимага ҳаволалар мазкур Уставнинг бўлимлари, моддалари, бандлари ва муқаддимага тегишли бўлади;

(d) “шу жумладан” ёки “ўз ичига олади” деган ҳаволалар шу жумладан кирганларни ёки ўз ичига олинганларни чеклашсиз билдиради.

2-МОДДА.

ЖАМИЯТНИНГ НОМИ, МАНЗИЛИ ВА ЮРИДИК МАҚОМИ

2.1. Жамиятнинг тўлиқ фирма номи:

Ўзбек тилида:	Лотин ёзувида: “UzAuto Motors” Aksiyadorlik Jamiyati; Кирилл ёзувида: «UzAuto Motors» акциядорлик жамияти;
Инглиз тилида:	«UzAuto Motors» Joint Stock Company;
Рус тилида:	Акционерное Общество «UzAuto Motors».

Жамиятнинг қисқартирилган фирма номи:

Ўзбек тилида:	“UzAuto Motors” AJ; «UzAuto Motors» AJ;
Инглиз тилида:	«UzAuto Motors» JSC;
Рус тилида:	АО «UzAuto Motors».

2.2. Жамиятнинг манзили ва юридик/почта манзили: Ўзбекистон Республикаси, 170200, Андижон вилояти, Асака шаҳри, Хумо кучаси, 81.

2.3. Жамият электрон почтасининг манзиллари: info@uzautomotors.com

Жамиятнинг расмий вэб-сайти: www.uzautomotors.com

2.4. Жамият Қонунчиликда тақиқланмаган ҳар қандай қонуний фаолият турларини амалга оширади.

2.5. Жамият ўз мажбуриятлари юзасидан ўзига қарашли барча мол-мулк билан жавобгар бўлади. Акциядорларнинг ҳеч бири Жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайдилар ва унинг фаолияти билан боғлиқ зарарларнинг қаноатлантириш учун Акциядорларнинг ҳар бири ўзларига тегишли акциялар қиймати доирасида тўлайдилар. Жамият ўз Акциядорларининг мажбуриятлари юзасидан жавоб бермайди, Акциядорларнинг ҳеч бири бирор-бир Акциядор қарзлари ёки мажбуриятлари учун жавобгар бўлмайди, агарда Акциядорлар ўртасида ёзма равишда Акциядорлар томонидан бажарилиши мажбур бўлган бошқача келишилган бўлмаса.

2.6. Давлат ва унинг органлари Жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди, худди шунингдек Жамият ҳам давлат ва унинг органлари мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

2.7. Жамият юридик шахс ҳисобланади, алоҳида мол-мулкка эга бўлади, шу жумладан унинг Устав фондига топширилган мустақил балансида ҳисобга олинган мол-мулкка эга, ўз номидан мулкӣ ва шахсий номулкӣ ҳуқуқларни олиши, мажбуриятларга эга бўлиши, судда даъвогар ёки жавобгар бўлиши мумкин.

2.8. Жамият ўз хўжали фаолиятини Қонунчилик ва Уставга мувофиқ амалга оширади.

2.9. Жамият мустақил балансига, банк ҳисоб рақамларига, шу жумладан Ўзбекистон Республикасининг ваколатли банкларида чет эл валютасидаги банк ҳисоб рақамларига, шунингдек чет элда банк ҳисоб рақамларига эга.

2.10. Жамият тўлиқ фирма номи давлат ва инглиз тилида ифодаланган думалоқ муҳрга ҳамда бурчак штампларига ва фирма бланкаларига, шунингдек белгиланган

тартибда рўйхатга олинган товар белгисига ҳамда акс эттирувчи бошқа воситаларга эга бўлишга ҳақлидир.

2.11. Жамият Қонунчиликга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида, шунингдек Ўзбекистон Республикасидан ташқарида тегишли чет эл давлатининг Қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ филиаллар ва ваколатхоналарни, шуъба ва тобе хўжалик жамиятларини очишга ҳақлидир.

2.11.1. Филиаллар ва ваколатхоналар юридик шахслар ҳисобланмайди ва ўз фаолиятини Жамият томонидан тасдиқланган Низомлар асосида амалга оширади. Жамият ўз филиалларини ва ваколатхоналарини мол-мулк ва активлар билан таъминлайди.

2.11.2. Филиаллар ва ваколатхоналар Жамият балансининг таркибий қисми ҳисобланадиган ўз балансига ёки сметасига эга бўлади.

2.11.3. Филиаллар ва ваколатхоналарнинг раҳбарлари Жамиятнинг Ижроия органи томонидан тайинланади ва Жамият томонидан берилган ишончнома асосида иш юритади.

2.11.4. Жамият Тошкент шаҳрида ва Хоразм вилоятининг Питнак шаҳрида ўз филиаларига эга.

2.11.4.1. Жамиятнинг Тошкент шаҳридаги филиали:

(а) Филиалнинг тўлиқ номи:

Ўзбек тилида: «UzAuto Motors» AJ Toshkent filiali;

Инглиз тилида: Branch of «UzAuto Motors» JSC in Tashkent;

Рус тилида: Филиал АО «UzAuto Motors» в городе Ташкенте.

(б) Филиалнинг қисқартирилган фирма номи:

Ўзбек тилида: «UzAuto Motors» AJ Toshkent filiali;

Инглиз тилида: Branch of «UzAuto Motors» JSC in Tashkent;

Рус тилида: Филиал АО «UzAuto Motors» в г.Ташкенте.

(с) Жамиятнинг Тошкент шаҳридаги филиали жойлашган жой ва унинг почта/юримдик манзили: Ўзбекистон Республикаси, 100016, Тошкент шаҳри, Яшнаобод тумани, Элбек кўчаси, 61-уй.

2.11.4.2. Жамиятнинг Хоразм вилояти Питнак шаҳридаги филиали:

(а) Филиалнинг тўлиқ фирма номи:

Ўзбек тилида: «UzAuto Motors» AJ Pitnak filiali, Xorazm viloyati;

Инглиз тилида: Branch of «UzAuto Motors» JSC in Pitnak, Khorezm region;

Рус тилида: Филиал АО «UzAuto Motors» в г.Питнак, Хорезмской области.

(б) Филиалнинг қисқартирилган фирма номи:

Ўзбек тилида: «UzAuto Motors» AJ Xorazm viloyati filiali;

Инглиз тилида: Branch of «UzAuto Motors» JSC in Khorezm region;

Рус тилида: Филиал АО «UzAuto Motors» в Хорезмской области.

(с) Жамиятнинг Хоразм вилоятининг Питнак шаҳридаги филиали жойлашган жой ва унинг почта манзили: Ўзбекистон Республикаси, 220400, Хоразм вилояти, Хазарасп тумани, Питнак шаҳри, Хазарасп кўчаси, 1-уй.

2.11.5. Жамиятнинг Шуъба ва тобе хўжалик жамиятлари юридик шахс ҳисобланади ва Жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан жавоб бермайди. Жамият ўз

Шуъба ва тобе хўжалик жамиятларининг мажбуриятлари юзасидан жавоб бермайди, Қонунчиликда назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

2.12. Шуъба ва/ёки тобе хўжалик жамиятларини тузиш ёки тугатиш тўғрисидаги Қарор Жамиятнинг Кузатув кенгаши томонидан қабул қилинади.

2.13. Жамият номуайян муддатга тузилади.

2.14. Мазкур Уставнинг қоидалари Жамият фаолиятининг бутун муддати мобайнида ёки АУЙ томонидан янги Устав қабул қилиниб, давлат рўйхатидан ўтказилгунга қадар ўз кучини сақлаб қолади. Уставда назарда тутилмаган ҳолатлар юзага келган тақдирда Жамият ўз фаолиятини АУЙ Қарорига мувофиқ амалга оширади.

3-МОДДА.

ЖАМИЯТ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ ТАРКИБИ

3.1. Жамият ягона акциядори «UzAuto Passenger Vehicles Management» масъулияти чекланган жамияти ҳисобланади.

(i) «UzAuto Passenger Vehicles Management» масъулияти чекланган жамияти, юридик манзили: 100000, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳ кўчаси, 13-уйда жойлашган ҳамда Тошкент шаҳри, Миробод тумани, давлат хизматлари маркази томонидан давлат рўйхатдан ўтказилган.

(ii) Жамият ўз фаолияти давомида «Ўзавтосаноат» акциядорлик жамияти ва «UzAuto Passenger Vehicles Management» масъулияти чекланган жамияти томонидан қабул қилинган буйруқ, фармойиш ва бошқа ҳужжатларнинг ижросини амалга оширади.

4-МОДДА.

ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИНИНГ МАҚСАДИ ВА ПРЕДМЕТИ.

4.1. Жамият фаолиятининг мақсади автомобилларни ишлаб чиқариш, йиғиш ва сотиш орқали фойда олишдан иборат.

4.2. Жамият фаолиятининг предмети:

- Автомобилларни ишлаб чиқариш, йиғиш ва сотиш;
- Автомобиллар деталларини ва эҳтиёт қисмларини ишлаб чиқариш, сотиш;
- Экспорт ва импорт операцияларни, ҳамда воситачилик фаолиятини амалга ошириш;
- Маркетинг;
- Инжиниринг хизматларини кўрсатиш;
- Қарз бериш, шу жумладан Учинчи шахслардан ва давлат органларидан қарз олиш;
- Юқорида кўрсатилган мақсадларга эриши учун зарур бўлган Қонунчиликда рухсат этилган бошқа ҳар қандай фаолият турларини амалга ошириш.

4.2-моддаси қоидаларига амал қилган ҳолда Жамият Қонунчиликда тақиқланмаган бошқа ҳар қандай фаолият турларини амалга оширишга ҳақлидир.

4.3. Махсус рухсатномани (лицензияни) талаб этувчи фаолият турлари тегишли Давлат органлари томонидан берилган тегишли рухсатномалар (лицензиялар) асосида амалга оширилиши мумкин.

4.4. Жамиятнинг кундалик фаолият турига, жамият Уставининг 4.1 ва 4.2-бандларида кўрсатиб ўтилган жамият фаолиятининг мақсад ва предметларини бажариш орқали фойда топишни кўзловчи, ёки ушбу мақсад ва предметларни бажариш учун амалга ошириладиган барча фаолият турлари киради, хусусан, ушбу мақсад ва предметларни амалга ошириш бўйича тузилган йирик битимлар, қарз бериш ва олиш, гаровга қўйиш ва бериш, акциялар ўтказиш ва бошқалар. Шунингдек, Акциядорларнинг умумий йиғилишида тасдиқланган Жамиятнинг бизнес режасида келтириладиган лойиҳалар ва чора-тадбирлар ва битимлар, ҳамда улар доирасида амалга ошириладиган ишлар ҳам Жамиятнинг кундалик фаолият тури ҳисобланади.

5-МОДДА.

ЖАМИЯТНИНГ УСТАВ ФОНДИ

5.1. Жамиятнинг Устав фонди акциядорлар томонидан харид қилинган Акцияларнинг номинал қийматидан таркиб топади. Жамият томонидан чиқариладиган барча Акцияларнинг номинал қиймати бир хил бўлиши ва Сўмда ифодаланиши лозим.

5.2. Жамиятнинг Устав фонди Жамият мол-мулкининг Жамият кредиторларининг манфаатларини кафолатлайдиган энг кам миқдорини белгилаб беради.

5.3. Жамиятнинг акциядори Устав ва Қонунчиликда кўрсатилган акциядор ҳуқуқларини унга ушбу Акцияларга эгалик ҳуқуқи Қонунчиликда белгиланган тартибда ўтган вақтдан эътиборан ўтади.

5.4. Жамиятнинг мол-мулки Акциялар нархини тўлаш ҳисобига келиб тушган пул маблағлари, мол-мулк ва мулкый ҳуқуқлардан иборат (**“Устав фонди”**), Жамият томонидан тадбиркорлик фаолияти натижасида ишлаб чиқарилган маҳсулот, олинган фойда, ҳамда Қонунчилик назарда тутилган бошқа асосларда олинган бошқа мол-мулкдан таркиб топади.

5.5. Жамият Устав фондининг миқдори ҳар бирининг номинал қиймати 1 (бир) Сўм бўлган 344 000 017 200 (уч юз қирқ тўрт миллиард ўн етти минг икки юз) дона оддий эгаси ёзилган, ҳужжатсиз Акцияларга бўлинган 344 000 017 200 (уч юз қирқ тўрт миллиард ўн етти минг икки юз) Сўмга тенг.

5.5.1. Устав фондидаги Акциялар акциядорлар ўртасида қуйидаги улушда тақсимланган:

«UzAuto passenger Vehicles Management» МЧЖга Устав фондининг 100,0% ёки ҳар бирининг номинал қиймати бир (1) Сўм бўлган уч юз қирқ тўрт миллиард ўн етти минг икки юз (344 000 017 200) дона оддий эгасининг номи ёзилган Акцияларга бўлинган уч юз қирқ тўрт миллиард ўн етти минг икки юз (344 000 017 200) сўмни ташкил этади.

5.6. Жамият томонидан чиқарилган Акциялар нархини тўлаш ҳисобига тушган пул маблағлари Жамиятнинг банк ҳисоб рақамига ўтказилади.

5.7. Жамият Акцияларининг нархини тўлаш пул қийматига эга мол-мулкни бериш орқали амалга оширилиши мумкин.

Акциялар юридик шахсларнинг ҳуқуқий ворислиги тартибида берилиши мумкин.

6-МОДДА.

ЖАМИЯТ УСТАВ ФОНДИНИНГ КЎПАЙТИРИЛИШИ ВА КАМАЙТИРИЛИШИ

6.1 Устав фонди қўшимча акцияларни чиқариш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.

6.2 Қўшимча чиқарилган акциялар бозор қийматида, лекин номинал қийматдан кам бўлмаган қийматда жойлаштирилади.

6.3 Жамиятнинг қўшимча акциялари учун унинг ўз капитали (қўшилган капитал ва тақсимланмаган фойда) ҳисобидан, шунингдек қўшимча акциялар учун тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган дивидендлар ҳисобидан ҳақ тўланган тақдирда, бундай акцияларни жойлаштириш акцияларнинг номинал қиймати бўйича амалга оширилади.

6.4 Мазкур Уставда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ягона акциядор ҳамда жамият қузатув кенгаши томонидан Жамият Устав Фондини ошириш ҳамда Уставга тегишли ўзгартиришларни киритиш тўғрисидаги қарорни қабул қилиши мумкин.

6.5 Жамият Акциялари умумий сони Жамият Уставида белгиланган эълон қилинган Акцияларнинг сони доирасидагина жойлаштирилади.

6.6 Жамият томонидан устав фондини ошириш мақсадида жойлаштириладиган акцияларга қўшимча равишда чиқарилиши мумкин бўлган эълон қилинган акциялар миқдори 1 000 000 000 000 000 (бир триллиард) сўм умумий қийматга эга бўлган ҳар бирининг номинал қиймати 1 (бир) сўм бўлган 1 000 000 000 000 000 (бир триллиард) дона оддий акциялардан иборат.

6.7 Жамиятнинг устав фондини қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш тўғрисида қарорда жойлаштириладиган қўшимча оддий акциялар ва имтиёзли акцияларнинг сонини, уларни жойлаштириш шартлари кўрсатилиши керак.

6.8 Жамиятнинг устав фондини акциялар номинал қийматини камайтириш ёки уларнинг умумий сонини камайтириш, шу жумладан, Жамият акцияларининг бир қисмини кейинчалик бекор қилиш йўли билан қисқартириш мумкин.

6.9 АУЙ Устав фондини камайтириш ва Жамият Уставида тегишли ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги қарор қабул қилиши мумкин. Устав фондини камайтириш тўғрисидаги қарорни қабул қилишда АУЙ Устав фондини камайтириш сабабларини кўрсатади ва уни камайтириш тартибини белгилайди.

6.10 Жамият, агар бундай камайтириш натижасида Устав фондининг миқдори Жамиятнинг ушбу Устави ва тегишли ўзгартишларни давлат рўйхатидан ўтказиш санасидаги ҳолатга кўра Қонунчиликка мувофиқ белгиланган устав фондининг минимал миқдоридан кам бўлиб қолса, Жамият ўзининг Устав фондини камайтиришга ҳақли эмас.

7-МОДДА.

ЖАМИЯТНИНГ АКЦИЯЛАРИ

7.1. Жамият оддий ва имтиёзли Акцияларни уларни чиқариш тўғрисидаги қарорда, мазкур Устав ва Қонунчиликда белгиланган тартибда, муддатларда ва шартларда чиқаришга ҳақли.

7.2. Жамиятнинг барча жойлаштирилган Акциялари оддий, номинал, ҳужжатсиз шаклда чиқарилган деб ҳисобланади.

7.3. Жамият томонидан жойлаштирилган Акцияларнинг умумий сони ҳар бирининг номинал қиймати 1 (бир) Сўм бўлган 344 000 017 200 (уч юз қирқ тўрт миллиард ўн етти минг икки юз) дона оддий эгасининг номи ёзилган Акцияларга тенг.

7.4. Жамият Акцияларни Жамият Акциядорлари ўртасида очик ва ёпиқ обуна йўли билан жойлаштиради, ёпиқ обунани ўтказиш имконияти Қонунчилик билан чегараланган ҳолатлар бундан мустасно.

7.5. Жамият Акциялар ва бошқа эмиссиявий қимматли қоғозларни Қонунчилик ва мазкур Уставда назарда тутилган тартибда чиқариши мумкин.

7.6. Акцияларга ҳақ тўлаш қуйидаги шаклда амалга ошириши мумкин:

- Пул маблағлари билан;
- Мулкнинг ҳар хил турлари билан;
- Ҳуқуқлар, шу жумладан пул баҳосига эга бўлган мулкӣ ҳуқуқлар, шу жумладан Интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқлар билан.

8-МОДДА.

ЖАМИЯТНИНГ СОФ ФОЙДАНИ ТАҚСИМЛАШ

8.1 Жамият томонидан тадбиркорлик натижасида топилган ҳар қандай фойда барча Солиқлар тўланганидан кейин Жамият тасарруфида қолади ва (i) Қонунчилик ва ЎЗНСБУга мувофиқ Жамиятнинг фондларини тузиш ҳамда (ii) Қонунчилик ва мазкур Уставга мувофиқ дивидендлар тўлаш учун ишлатилади.

8.2 Жамият молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойи натижаларига кўра ва (ёки) молиявий йил натижаларига кўра, жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли. Жамият молиявий йил натижаларига кўра жойлаштирилган оддий Акциялар бўйича дивидендларни (**“йиллик ёки ҳар йилги дивидендлар”**) тўлаш тўғрисида қарорни қабул қилишга ҳақли. Акция бўйича йиллик дивидендларни тўлаш тўғрисида қарор Жамият Кузатув кенгашининг тавсиясига, ҳаққонийлиги тўғрисида аудиторлик хулосаси мавжуд бўлганида, молиявий ҳисобот маълумотларига асосан АУЙ томонидан қабул қилинади. Йиллик дивидендларни тўлаш тўғрисида қарор АУЙ томонидан йиллик АУЙ ўтказилиши белгиланган муддатдан кечиктирилмаган муддатда қабул қилинади. Дивидендларнинг миқдори Жамият Кузатув кенгаши томонидан тавсия этилган миқдордан кўп бўлиши мумкин эмас.

8.3 Акциядор ёки унинг қонуний вориси ёки меросхўри томонидан уч йил давомида талаб қилиб олинмаган дивиденд АУЙ қарорига кўра Жамият ихтиёрида қолади.

8.4 Дивидендларни тўлаш муддати ва тартиби АУЙ қарори билан белгиланади. Дивидендларни тўлаш муддати бундай қарор қабул қилинган санадан бошлаб 60 (олтмиш) кундан ошиши мумкин эмас.

8.5 Дивидендлар акциядорлар ўртасида уларга тегишли бўлган акциялар сони ва турларига мутаносиб равишда тақсимланади.

8.6 Акциядорларнинг умумий йиғилиши акциядорларнинг муайян турлари бўйича дивидендлар тўламаслик тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

8.7 Жамият Ўзбекистон Республикаси норезидент акциядорларининг ёзма талабига кўра унга ҳисобланган дивидендларни эркин айирбошладиган валютага айирбошлаб, маблағларни норезидент акциядор тақдим этган банк ҳисоб варағига ўтказиб бериши шарт.

8.8 Жамиятнинг дивидендларни тўлашга доир чекловлари:

➤ Жамият устав капиталининг ҳаммаси унинг таъсис этилиши чоғида тўлиқ тўлаб бўлингунига қадар;

➤ Агар дивидендлар тўланадиган пайтда Жамиятда банкротлик белгилари мавжуд бўлса ёки Жамиятда шундай белгилар дивидендларни тўлаш натижасида пайдо бўлса;

➤ Агар Жамият соф активларининг қиймати унинг устав капитали ва захира фонди суммасидан кам бўлса, акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳамда дивидендлар тўлашга ҳақли эмас.

9-МОДДА.

ЗАХИРА ФОНДИНИ ВА БОШҚА ФОНДЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

9.1. Жамият соф фойда ҳисобидан қуйидаги Фондларни ташкил этишга ҳақлидир:

- Захира фонди;
- Жамиятнинг фаолияти учун зарур бўлган, АУЙ томонидан белгиланадиган бошқа фондлар.

9.2. Жамият захира фондини ташкил қилади ва юритади, қайсики Бошқа маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, Жамиятнинг кўрган зарарини қоплаш, Жамиятнинг корпоратив облигациялари ҳақини тўлаб бериш, имтиёзли Акциялар бўйича дивидендлар тўлаш Жамият Акцияларини сотиб олиш учун ишлатилади (“**Захира фонди**”). Захира фондидан бошқа ҳар қандай мақсадларда фойдаланиш мумкин эмас.

9.3. Захира фонди умумий миқдори Устав фондининг камида 15% (ўн беш фоизи) миқдорда шакллантирилади.

9.4. Жамият, унинг Захира фонди Уставнинг 9.3-бандида белгиланган миқдорга етгунига қадар, Захира фондига ҳар йили соф фойдадан 5%(беш фоизи) миқдorigа тенг бўлган ажратмаларни амалга оширади.

10- МОДДА.

АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

10.1. Акциядорлар қуйидагиларга ҳақлидирлар:

- Жамиятнинг акциядорлари реестрида акс этирилиш;
- Депо ҳисобварағидан ўзига тааллуқли кўчирма олиш;
- Жамият даромадларининг бир қисмини дивидендлар кўринишида олиш;
- Жамият тугатилган тақдирда Жамият мол-мулкининг ўзига тегишли улушга мувофиқ бўлган бир қисмини олиш;

- Акциядорлар умумий йиғилишида овоз бериш орқали Жамиятни бошқаришда иштирок этиш;
- Уставга мувофиқ Қонунчиликда белгиланган тартибда Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ҳаққоний ахборот олиш;
- олган дивидендини эркин тасарруф этиш;
- қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш ва мувофиқлаштириш ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
- уларга етказилган зарарларни ўрнатилган тартибда қоплаб берилишини талаб қилиш;
- ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмаларга ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларига бирлашиш;
- қимматли қоғозларни олишда зарар кўриш, шу жумладан бой берилган фойда эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликларни суғурта қилиш ҳуқуқига эга.
- акциядорлар, шу жумладан, миноритар ациядорлик битимларига овоз беришда биргаликдаги мавқеини шакллантиришга келишиш ҳуқуқига эга;
- Жамият томонидан акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган, ҳақи пул маблағлари билан тўланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларни жойлаштиришда овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар уларни имтиёзли равишда олиш ҳуқуқига эга.
- акциядорлар Қонунчиликда назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эгадирлар.

10.2. Акциядорлар, тўланган Акцияларнинг эгалари сифатида уларнинг ваколатларига кирувчи барча масалалар бўйича овоз бериш ҳуқуқи билан АУЙда иштирок этадилар. АУЙ да овоз бериш «бир овоз берувчи акция» - «бир овоз» тамойили асосида амалга оширилади, кумулятив овоз беришга мазкур Уставда кўрсатилган рухсат берувчи қарорлар бундан мустасно.

10.3. Акциядорлар қуйидагиларга мажбур:

- Акциялар нархини тўлашни Уставда ва уларни чиқариш тўғрисидаги қарорда назарда тутилган тартибда, миқдорда ва усулларда амалга ошириш;
- Қонунчилик ва Жамият Уставининг қоидаларига риоя қилиш;
- Жамиятнинг фаолиятига оид махфий маълумотни учинчи шахсларга ошкор қилмаслик.

10.4. Миноритар акциядорлари Жамият бошқарув органларининг фаолиятига норасмий равишда ҳужжатлар талаб қилиб, махфий ахборот ва савдо сирларидан фойдаланиш йўли билан аралашмаслиги керак.

11-МОДДА.

ЖАМИЯТНИ БОШҚАРИШ ТУЗИЛМАСИ

11.1. Жамиятни бошқариш органлари қуйидагилардир:

- Акциядорларнинг Умумий йиғилиши;
- Жамиятнинг Кузатув кенгаши;

- Яккабошчилик асосидаги ижро этувчи орган – Жамият Бош директори.

12-МОДДА.

АКЦИЯДОРЛАРНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ

12.1. АУЙ Жамиятнинг олий бошқарув органи ҳисобланади. АУЙ Жамият молия йили тугаганидан кейин олти ойдан кечиктирмай ўтказилади.

12.2. Йиллик АУЙдан ташқари ўтказиладиган йиғилишлар навбатдан ташқари ҳисобланади. Навбатдан ташқари АУЙ Кузатув кенгашининг ўз ташаббусига асосан унинг қарори бўйича, Тафтиш комиссиясининг ёзма талабига, шунингдек ёзма талаб бериш санасига Жамиятнинг овоз берувчи Акцияларининг камида 5% (беш фоизига) эга Жамият акциядорининг ёзма талабига кўра ўтказилади.

12.3. АУЙ Қонунчилик, Устав ва АУЙ тўғрисидаги низомда белгиланган тартибга мувофиқ ўтказилади.

12.4. Агар АУЙда иштирок этувчиларни рўйхатга олиш ниҳоясига етган вақтга келиб, Жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи Акцияларининг жами эллик 50% (эллик фоизидан) кўпига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, АУЙ ваколатли ҳисобланади. АУЙ томонидан АУЙда иштирок этаётган акциядорларнинг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади, Қонунчиликда малакали кўпчилик ёки бир овоздан қабул қилиш талаб қилинган ҳолатлар бундан мустасно:

i. Жамият уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки Жамият уставини янги таҳрирда тасдиқлаш;

ii. Жамиятни қайта ташкил этиш;

iii. Жамиятни тугатиш, тугатувчини тайинлаш (тугатиш комиссияси) ва оралик ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;

iv. Кузатув кенгаши ва Миноритар акциядорлар кўмитасинг аъзолари сонини аниқлаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

v. Эълон қилинган акцияларнинг максимал миқдорини аниқлаш;

vi. Жамият устав фондини (устав капиталини) ошириш;

vii. Жамият устав фондини (устав капиталини) камайтириш;

viii. Акциядорлик Жамиятининг қонунларида назарда тутилган ҳолларда ўз улушларини сотиб олиш;

ix. Жамият ташкилий тузилмасини, Жамиятнинг ижро этувчи органини шакллантиришни, унинг раҳбарини сайлаш (тайинлаш) ва унинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

x. Жамият Тафтиш комиссиясининг (тафтишчи) аъзоларини сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, шунингдек, Тафтиш комиссияси (тафтишчи) тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш;

xi. Жамиятнинг йиллик ҳисоботини ва Жамиятнинг йиллик бизнес-режасини, шунингдек жамиятнинг ўрта ва узоқ муддатли ривожланиш стратегиясини тасдиқлаш, Жамият фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадлари асосида унинг ўзига хос шартларини белгилаш;

- xii. Жамият даромадлари ва зарарларини тақсимлаш;
- xiii. Ўз ваколати доирасига кирадиган масалалар бўйича Жамият аудиторлик комиссиясининг (аудиторининг) хулосаларини, шу жумладан, қонунчиликда белгиланган корхонани бошқаришга бўлган талабларни бажариш тўғрисидаги ҳисоботларни тинглаш;
- xiv. Корпоратив облигацияларни, шу жумладан акцияларга айлантириладиганларни чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- xv. Қимматли қоғозлар ҳосиласи тўғрисида қарор қабул қилиш;
- xvi. Жамиятнинг корпоратив облигацияларини сотиб олиш бўйича қарорлар қабул қилиш;
- xvii. имтиёзли ҳуқуқни қўлламаслик тўғрисида, акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларни жойлаштиришда акциядорларнинг ҳуқуқларини таъминлаш;
- xviii. Акциядорлар умумий йиғилишининг қоидаларини тасдиқлаш;
- xix. Акцияларни ажратиш ва бирлаштириш;
- xx. Жамиятнинг ижро этувчи органига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсацияларни, шунингдек уларнинг миқдори чегараларини белгилаш;
- xxi. Йирик битимни тузиш, мол-мулкнинг ёки олинаётган мол-мулкнинг баланс қиймати бундай битимларни тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилинаётган санада жамият соф активлари миқдорининг эллик фоизидан ортиғини ташкил этса, бунда йирик битим тузиш тўғрисидаги қарор мол-мулкнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ баҳоловчи ташкилот томонидан белгиланган бозор қиймати ҳисобга олинган, мустақил ташқи аудиторлик ташкилоти томонидан битимнинг шартлари ўрганилган ҳолда мажбурий тартибда қабул қилинади, кундалик хўжалик фаолиятини юритиш жараёнида тузиладиган битимлар ҳамда акцияларни ва бошқа қимматли қоғозларни жойлаштириш билан боғлиқ бўлган битимлар бундан мустасно;
- xxii. Ушбу Уставнинг 16-моддасида кўзда тутилган ҳолларда Аффилиланган шахслар билан битимлар тузиш. Шу билан бирга, АУЙ бу каби битимлар бўйича қарорлар қабул қилганда, Аффилиланган шахслар овоз бериш ҳуқуқига эга эмас;
- xxiii. мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш, ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;
- xxiv. АУЙ, Кузатув кенгаши ва Жамиятнинг ижро этувчи органи тўғрисидаги Низомларни қабул қилиш;
- xxv. Жамиятнинг ҳозирги иқтисодий фаолияти билан боғлиқ операцияларни аниқлаш;
- xxvi. Бошқа масалаларни қонунга ва АУЙ Низомига мувофиқ ҳал қилиш.

12.6. Акциядорлар АУЙнинг мажлисларида шахсан ёки АЖ тўғрисидаги қонун талабларига мувофиқ расмийлаштирилган ишончнома асосида иш юритувчи ўз вакиллари орқали иштирок этишлари мумкин.

12.7. Акциядорлар АУЙ кун тартибига киритилмаган масалалар юзасидан қарорлар қабул қилишга ҳақли эмас.

12.8. Жамият АУЙнинг мутлақ ваколатлари жумласига киритилган масалалар, АЖ тўғрисидаги қонунда назарда тутилган ҳолларни истисно этганда, унинг томонидан Жамиятнинг Кузатув кенгаши кўриб чиқиши учун топширилиши мумкин эмас.

12.9. АУЙнинг ўтказилиши тўғрисидаги хабар Жамиятнинг расмий веб-сайтида, оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади, шунингдек Акциядорларга электрон почта бўйича АУЙ ўтказиладиган санадан кечи билан йигирма бир (21) кун, лекин кўпи билан ўттиз (30) кун олдин юборилади. АУЙнинг ўтказилиши тўғрисидаги хабар қуйидаги маълумотларни ўз ичига олиши лозим:

- Жамиятнинг номи, манзили (почта манзили) ва электрон почта манзили;
- АУЙни ўтказиш санаси, жойи ва вақти;
- Акциядорлар реестри шакллантирилган сана;
- АУЙнинг кун тартибига киритилган масалалар; ва
- АУЙни ўтказишга тайёргарлик кўриш чоғида акциядорларга тақдим этилиши лозим бўлган маълумотларни (хужжатларни) акциядорларга тақдим этиш тартиби.

12.10. Жамиятнинг оддий номинал Акцияларига эга бўлган акциядорлар АУЙда овоз беришга қўйилган масалалар юзасидан иштирок этишга ҳақлидирлар.

12.11. Агар жамиятнинг барча оддий акциялари битта акциядорга тегишли бўлса акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилмайди. АЖ тўғрисидаги Қонун ва жамиятнинг устави билан акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатига киритилган масалалар бўйича қарорлар бундай акциядор томонидан яқка тартибда қабул қилинади ҳамда ёзма шаклда расмийлаштирилиши керак, жамиятнинг имтиёзли акциялари АЖ тўғрисидаги Қонунга мувофиқ овоз бериш ҳуқуқини олиши ҳоллари бундан мустасно. Бунда ушбу модданинг акциядорлар умумий йиғилишига тайёргарлик кўриш, уни чақириш ва ўтказиш тартибини ҳамда муддатларини белгиловчи қоидалари қўлланилмайди, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини ўтказиш муддатларига тааллуқли қоидалар бундан мустасно.

12.12. Овозларни санаш, акциядорларни АУЙда иштирок этиш учун рўйхатга олиш, шунингдек овоз бериш учун бюллетенларни бериш учун Жамиятнинг Кузатув кенгаши томонидан ҳисоблаш комиссияси (**Санок комиссия**) тузилади. Унинг ходимларининг сони ва таркиби АУЙ томонидан тасдиқланади.

12.13. Санок комиссиясининг таркиби уч (3) нафар кишидан кам бўлиши мумкин эмас. Санок комиссияси таркибига Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари, Жамият Тафтиш комиссиясининг аъзолари (қуйида белгиланган), шунингдек ушбу лавозимларга номзоди кўрсатилаётган шахслар кириши мумкин эмас. Санок комиссиясининг ваколатлари унинг ходимларининг сони ва таркиби АУЙ томонидан тасдиқланган вақтдан эътиборан то Санок комиссиясининг янги таркиби тасдиқлангунга қадар амал қилади.

12.14. Санок комиссияси АУЙ кворумининг мавжудлигини аниқлайди, акциядорлар (ёки уларнинг вакиллари) томонидан Умумий Йиғилишда овоз бериш ҳуқуқининг амалга оширилиши муносабати билан юзага келадиган масалаларга изоҳ беради, овоз бериш учун киритиладиган масалалар юзасидан овоз бериш тартибини тушунтиради, овоз беришнинг ўрнатилган тартибини ва акциядорларнинг овоз беришда иштирок этиш ҳуқуқларини таъминлайди, овозларни санайди ва овоз беришга яқун

ясайди, овоз бериш яқунлари тўғрисида баённома тузади, Жамиятнинг архивига овоз бериш учун бюллетенларни топширади.

12.15. АУЙнинг баённомаси АУЙнинг ёпилиши санасидан кечи билан ўн (10) кун ичида икки нусхада тузилади. Иккала нусха ҳам Умумий йиғилишда раислик қилувчи ва АУЙнинг котиби томонидан имзоланиши лозим.

12.16. Акциядорларнинг Умумий йиғилиши баённомаси:

- Акциядорлар умумий йиғилишининг санаси, вақти ва жойи;
- Жамиятнинг овоз берувчи акцияларига эгалик қилувчи акциядорлар эга бўлган овозларнинг умумий сони ;
- умумий йиғилишда иштирок этадиган акциядорлар томонидан овозларнинг сони;
- раис (раёсати) ва умумий йиғилиш котиби, йиғилиш кун тартиби.

12.17. Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомасида маърузаларнинг асосий қоидалари, овозга қўйилган масалалар ҳамда улар юзасидан ўтказилган овоз бериш яқунлари, йиғилиш қабул қилган қарорлар кўрсатилиши лозим.

12.18. Акциядорлар АУЙ ҳар қандай қарорлари устидан, агар бундай қарорлар Қонунчилик ёки Жамиятнинг Уставига зид келса ёки мос келмаса, тегишли юрисдикцияга эга судга шикоят қилиш мумкин.

12.19. АУЙ Қонунчилик ва Акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисидаги низомга мувофиқ чакирилади.

12.20. Жамиятнинг молиявий йил тугаганидан сўнг тўқсон кундан кечиктирмай, Жамиятнинг овоз берадиган акцияларининг камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядор (акциядорлар) акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишининг кун тартибига масалаларни киритиш ҳуқуқига эгадирлар ва кузатув кенгаши ва аудиторлик комиссиясига номзодлар кўрсатадилар (аудиторлар), уларнинг сони ушбу органнинг сони таркибидан ошиб кетмаслиги керак.

13-МОДДА.

ЖАМИЯТНИНГ КУЗАТУВ КЕНГАШИ

13.1. Жамиятнинг Кузатув кенгаши Жамият фаолияти назорати учун маъсул бўлади, АЖ тўғрисидаги Қонунчилик ва Жамиятнинг Уставида АУЙга оид кўрсатилган масалалар бундан мустасно.

13.2. Жамият Кузатув кенгаши 5 аъзодан иборатдир. Кузатув кенгаши аъзолари АУЙ томонидан 1 (бир) йил муддатга сайланади. Кузатув кенгаши аъзолигига барча номзодлар UzAuto PVM томонидан сайланади. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш кумулятив овоз бериш йўли билан амалга оширилади. Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли овозлар сони Жамият Кузатув кенгашига сайланиши керак бўлган шахслар сонига кўпаяди ва акциядор бир номзод учун овозларни тўлиқ тўлдиришга ёки икки ёки ундан ортиқ номзодларга тарқатишга ҳақлидир. Энг кўп овоз олган номзодлар Жамият Кузатув кенгашига сайланади.

13.3. Жамиятнинг Кузатув кенгаши таркибига сайланган шахслар чекланмаган муддатга қайта сайланишлари мумкин. Яққабош ижро органи (Бош директор), Ички

аудит хизмати, тафтиш комиссия аъзолари, шунингдек Жамиятда меҳнат шартномалари бўйича ишлаётган шахслар Жамиятнинг Кузатув кенгашига сайланишлари мумкин эмас.

13.4. Кузатув кенгаши аъзоларининг сони ушбу Уставда назарда тутилган миқдорнинг 80% (саксон фоиз)дан камайиб кетган ҳолларда Жамият Кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш учун навбатдан ташқари АУЙ чақириши шарт.

13.5. Жамият Кузатув кенгашининг ваколатига қуйидаги масалалар ҳал этиш киради:

i. Жамиятнинг ижро этувчи органининг жамият ривожланиш стратегиясига эришиш бўйича қабул қилинган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботини мунтазам тинглаш билан Жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;

ii. Акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш, АЖ тўғрисидаги қонун билан белгиланган ҳоллар бундан мустасно;

iii. Акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш;

iv. Акциядорлар умумий йиғилишининг санаси, вақти ва жойини аниқланиш;

v. АУЙ ўтказилиши тўғрисида хабардор қилиш учун Жамият акциядорлари реестрини шакллантириш санасини белгилаш;

vi. Жамият уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки Жамият уставининг янги таҳририни тасдиқлаш тўғрисидаги масалани умумий йиғилиш қарори учун киритиш;

vii. мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил қилиш;

viii. Корпоратив маслаҳатчини тайинлаш ва унинг фаолияти тартибини белгилувчи қоидаларни тасдиқлаш, агар ушбу лавозимни жорий қилиш Жамият уставига назарда тутилган бўлса;

ix. Жамиятнинг йиллик бизнес-режасини олдиндан тасдиқлаш, шунингдек АУЙ ваколатига кирувчи бошқа масалалар;

x. Ички аудит хизматини тузиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек ҳисоботларни ҳар чоракда эшитиш;

xi. Жамиятнинг ижро этувчи органи фаолиятига тааллуқли ҳар қандай ҳужжатларга руҳсат бериш ва уларни ижро этувчи органдан Жамият кузатув кенгашига юклатилган вазифаларни бажариш учун олиш. Қабул қилинган ҳужжатлар Жамият кузатув кенгаши ва унинг аъзолари томонидан фақат хизмат мақсадлар учун ишлатилиши мумкин;

xii. АУЙга Жамиятнинг Тафтиш комиссияси аъзоларига тўланадиган ҳақ ва компенсация миқдори бўйича тавсиялар бериш;

xiii. АУЙга дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби бўйича тавсиялар бериш;

xiv. Жамиятнинг захира ва бошқа маблағларидан фойдаланиш;

xv. Филиаллар ташкил этиш ва Жамиятнинг ваколатхоналарини очиш;

xvi. Шўба ва филиалларини тузиш, ва уларни тугатиш тўғрисидаги қарорларни қабул қилиш;

xvii. Йирик битимни тузиш, мол-мулкнинг ёки олинаётган мол-мулкнинг баланс қиймати бундай битимларни тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилинаётган санада жамият

соф активлари миқдорининг ўн беш фоизидан эллик фоизигача ташкил этса, бунда йирик битим тузиш тўғрисидаги қарор мол-мулкнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ баҳоловчи ташкилот томонидан белгиланган бозор қиймати ҳисобга олинган, мустақил ташқи аудиторлик ташкилоти томонидан битимнинг шартлари ўрганилган ҳолда мажбурий тартибда қабул қилинади, кундалик хўжалик фаолиятини юритиш жараёнида тузиладиган битимлар бундан мустасно;

xviii. Мазкур Уставнинг 16-моддасида назарда тутилган ҳолларда аффилиланган шахслар билан тузилган битимларни, шу жумладан, аффилиланган шахслар билан Жамиятнинг кундалик хўжалик фаолияти билан боғлиқ битимни тасдиқлаш. Шу билан бирга, Жамиятнинг аффилиланган шахси муҳокамада иштирок этиш ҳуқуқига эга эмас ва у Жамиятнинг Кузатув кенгаши бундай битим тўғрисида қарор қабул қилганида овоз бериш ҳуқуқига эга эмас;

xix. Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотларда иштирок этиши билан боғлиқ бўлган битимларни тузиш;

xx. Жойлаштириш нархини белгилаш (биржа ва биржадан ташқари бозорда жойлаштирилган);

xxi. корпоратив облигацияларни чиқариш, шу жумладан акцияларга айланиши мумкин бўлган қарорларни қабул қилиш;

xxii. Қимматли қоғозларнинг ҳосиласини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

xxiii. Жамиятнинг ишлаб чиқариш объектларининг жойлашган жойини ўзгартириш;

xxiv. Бухгалтерия сиёсатида ва усулларида, шу жумладан, амортизация ва амортизация даражасидаги ўзгаришларни қонунчилик асосида ўзгартиришларни қилиш;

xxv. Акциядорлар умумий йиғилиши ва қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган чегаралар доирасида хайрия (ҳомийлик) ёки бепул ёрдам бериш бўйича қарор қабул қилиш (қабул қилиш) ва қарор қабул қилиш шартларини белгилаш, ушбу тартибни Жамиятнинг корпоратив веб сайтида жойлаштириш имконияти;

xxvi. Зарурият туғилган ҳолатларда Кузатув кенгаши қошида тегишли масалалар бўйича қўмиталарни (ишчи гуруҳларни) ташкил этиш;

xxvii. Жамиятнинг бош директори ўринбосарларини номзодларини маъқуллаш;

xxviii. Комплаенс хизмати тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш;

xxix. Комплаенс хизматининг бошлиғини тайинлаш, шунингдек унинг ҳисоботларини эшитиш;

xxx. Акциядорлар умумий йиғилишининг ва Кузатув кенгашининг котибини тайинлаш;

xxxi. Қонунчиликда, ушбу Уставга ва Кузатув кенгаши тўғрисидаги Низомга мувофиқ бошқа масалаларни ҳал қилиш.

Кузатув кенгашининг ваколатига тааллуқли масалалар Жамиятнинг Бош директорининг қарорига ўтказилиши мумкин эмас.

13.6. Кузатув кенгашининг Раиси ушбу кенгаш аъзолари томонидан унинг таркиби аъзоларнинг умумий сонидан кўпчилик овози билан сайлайди. Кузатув

кенгашининг Раиси унинг фаолиятини ташкил этади, Кузатув кенгаши мажлисларини чақиради ва уларни бошқаради, мажлисларда баённоманинг юритилишини ташкил этади, Акциядорлар умумий йиғилишига раислик қилади.

13.7. Кузатув кенгашининг мажлислари камида ҳар чорақда бир марта ўтказилади. Жамият Кузатув кенгаши мажлисини ўтказиш учун кворум Кузатув кенгаши аъзоларининг камида 80% (саксон фоизини) ташкил этиши керак.

Раис Кузатув кенгашининг мажлисларини ўз ташаббусига кўра ёки Кузатув кенгашининг ҳар қайси бошқа аъзоси, Тафтиш комиссияси ёки Бош директорнинг талабига кўра чақиради. Кузатув кенгаши Раиси Кузатув кенгашининг аъзоларига бундай мажлисдан камида 10 (ўн) кун аввал мажлиснинг чақирилиши тўғрисидаги мажлиснинг санаси, вақти, жойи ва кун тартиби кўрсатилган хабарномалар юборилишини ташкил этади.

13.8. Кузатув кенгашининг мажлисларида иштирок этиш Ўзбекистонда ёки Кузатув кенгаши томонидан келишиб олинган бошқа шундай жойда шахсан амалга оширилиши лозим. Кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга бўлади. Бир аъзонинг овозини бошқа аъзога берилишига йўл қўйилмайди.

13.9. Кузатув кенгашининг баённомалари Кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) қабул қилиниши мумкин.

13.10. Жамиятнинг овоз берувчи акцияларининг камида бир фоизига эгаллик қилувчи акциядор (акциядорлар) Жамиятнинг Кузатув кенгаши мажлисини чақиришни сўрашга ҳақлидир.

13.11. Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлис ўтказилганидан кейин кечи билан (10) кун ичида расмийлаштирилиши лозим. Кузатув кенгаши мажлис баённомаси қуйидаги маълумотларни ўз ичига олади:

- мажлиснинг вақти ва жойи;
- мажлисда иштирок этувчи шахслар;
- мажлиснинг кун тартиби;
- овоз беришга қўйилган масалалар;
- овоз бериш натижалари; ва
- мажлисда қабул қилинган баённомалар.

Жамият Кузатув кенгашининг мажлиси баённомаси мажлисда иштирок этувчи Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари томонидан имзоланади, улар баённома тўғри расмийлаштирилиши учун жавобгар бўлади.

14-МОДДА.

ЖАМИЯТНИНГ ИЖРО ЭТУВЧИ ОРГАНИ

14.1. Бош директор Жамиятнинг яккабошчилик асосидаги Ижро этувчи органи ҳисобланади. Бош директор, , Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан хорижий менежерлар иштирок этиши мумкин бўлган танлов асосида UzAuto PVM тавсия қилган номзодлар сафидан сайланади. Бош директор лавозимига номзод кўриб чирилганидан кейин Акциядорлар умумий йиғилиши ушбу масала юзасидан кўпчилиги овоз билан Бош директор сайланиши тўғрисидаги қарор қабул қилади. Акциядорлар умумий йиғилиши

томонидан Бош директорнинг номзоди тасдиқланганидан ва сайлангадан кейин, Кузатов кенгашининг Раиси Жамият номидан у билан меҳнат шартномасини (контрактни) имзолайди.

14.2. Бош директор ўз ваколатлари доирасида Жамиятнинг жорий фаолиятига раҳбарлик қилади ҳамда Акциядорлар умумий йиғилиши ва Кузатов кенгаши қарорларининг бажарилиши учун жавобгар бўлади. Бош директорнинг мақоми ва вазифалари Жамиятнинг Ижро этувчи органи тўғрисидаги низом ва Бош директорнинг меҳнат шартномаси (контракти) билан тартибга солинади.

14.3. Бош директор Жамият ҳужжатларининг тўғри ва виждонан юритилиши учун жавобгар бўлади.

14.4. Бош директор ваколатларига Жамиятнинг жорий фаолиятига раҳбарликнинг барча масалалар киради, Жамият Акциядорлар умумий йиғилиши ёки Кузатов кенгашининг мутлақ ваколатларига киритилган масалалар бундан мустасно, жумладан, лекин чекланмаган ҳолда:

i. Жамият номидан ишончномасиз иш юритиш, шу жумладан унинг манфаатларини учинчи шахслар, бошқа ташкилотлар ва органлар билан муносабатларда ифода этиш;

ii. Қонунчилик талабларига риоя этган ҳолда баланс қиймати битим тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилинган санага Жамият соф фойда активлари қийматининг 15 (ўн беш) фоизидан камроқ бўлган мол-мулкка нисбатан тузилган битим ёки бир нечта ўзаро боғлиқ битимлар бўйича Жамиятнинг мол-мулки (активлари) ва пул маблағларини тасарруф этиш, мазкур Устав билан АУЙ ёки Кузатов кенгаши ваколатларига киритилган битимлар тузиш ҳолатлари бундан мустасно.

iii. Жамият номидан ишончномалар бериш;

iv. банкларда ҳисоб рақамларини очиш;

v. Жамиятнинг барча ходимлари учун мажбурий бўлган буйруқлар, йўриқномалар ва фармойишларни чиқариш;

vi. Жамиятнинг бошқарув тузилмасига ходимларнинг тасдиқланган сони доирасида ўзгартиришлар киритиш;

vii. Жамиятнинг Шўъба хўжалик жамиятлари ва ваколатхоналари тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш;

viii. Жамият филиаллари ва ваколатхоналарининг бошқарув ходимлари учун компенсация пули миқдорини аниқлаш;

ix. Жамиятнинг ходимлари билан меҳнат шартномаларини (контрактларни) тузиш, ўзгартириш ва бекор қилиш, шунингдек Жамиятнинг шўъба хўжалик жамиятлари ва ваколатхоналарининг раҳбарларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод қилиш;

x. рағбатлантиришлар тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш, ойлик иш ҳақи ва унга устамаларнинг миқдорини, шунингдек ходимларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш бўйича турли қўшимча ва компенсация пули тўловларини белгилаш;

xi. кузатов кенгаши билан келишилган раҳбарлар ва директор ўринбосарларини тайинлаш ва ваколат бериш тартибини тасдиқлаш;

xii. Жамиятнинг Кузатов кенгаши томонидан тегишли номзодни маъқулаганидан сўнг комплаенс хизматининг бошлиғини тайинлаш. Бош директор

Жамиятнинг Кузатув кенгаши томонидан маъқулланмасдан туриб, комплаенс хизматининг бошлигини вақтинча вазифасини юклаган ҳолда тайинлаш ҳуқуқига эга;

xiii. Бош директор Жамиятнинг ижро этувчи органи таркибига кирмайдиган амалдаги директорлар ва бошқарувчи директорларни Жамият Кузатув кенгаши томонидан маъқулланишидан олдин вақтинча вазифасини юклаган ҳолда тайинлаш ҳуқуқига эга.

14.5. Бош директор Қонунчилик ва мазкур Устав назарда тутилган Бош директор вазифаларини бажармаганлиги ёки тегишлича бажармаганлиги натижасида етказилган зарар учун акциядорлар олдида жавобгар бўлади.

14.6. Бош директор томонидан Уставнинг қўпол бузилиши ёки унинг ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги натижасида Жамиятга зарарлар етказилиши ҳолатида Кузатув кенгаши Бош директор билан тузилган меҳнат шартномасини муддатидан олдин бекор қилишга ҳақлидир.

14.7. Бош директорнинг ваколатларини тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилган Кузатув кенгаши Бош директорнинг вазифасини бажарувчи шахсни тайинлаш тўғрисида ҳамда Бош директорни сайлаш ва тайинлаш билан боғлиқ бўлган баённомани қабул қилиш учун навбатдан ташқари АУЙни чақириш тўғрисида баённома қабул қилади.

14.8. Жамият бош директорини тайинлаш хорижий менежерлар ҳам иштирок этиши мумкин бўлган танлов асосида амалга оширилади.

15-МОДДА.

ЖАМИЯТНИНГ ТАФТИШ КОМИССИЯСИ

15.1. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти устидан назорат қилиш учун АУЙ бир йил муддатга 3 нафар аъзодан иборат Тафтиш комиссиясини сайлайди (**Тафтиш комиссияси**).

Бир шахс Жамиятнинг Тафтиш комиссияси таркибига кетма-кет уч мартадан кўп сайланиши мумкин эмас.

Жамият Тафтиш комиссияси аъзолари бир вақтнинг ўзида Жамият Кузатув кенгашининг аъзоси бўлишлари, шунингдек айни Жамиятда меҳнат шартномаси бўйича ишлашлари мумкин эмас.

15.2. Жамият Тафтиш комиссияси ваколатлари ва фаолиятининг тартиби мазкур Устав ва АУЙ томонидан тасдиқланадиган Тафтиш комиссияси тўғрисидаги низом билан белгиланади.

15.3. Жамият молиявий-хўжалик фаолиятининг аудит қилишни камида бир йилда бир марта ўтказиши. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш (аудит қилиш) бир йиллик ёки бошқа давр ичидаги фаолият якунлари бўйича Тафтиш комиссиясининг, АУЙ, Кузатув кенгашининг қарорига ёки Жамият овоз берувчи Акцияларининг жами бўлиб камида 5% (беш фоизга) эгалик қилувчи акциядорнинг талабига биноан амалга оширилади.

15.4. Тафтиш комиссияси молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш натижаларини тафтиш ўтказишни ташаббус қилган орган ёки акциядорга тақдим этади. Тафтиш комиссияси ўз мажлисларида баённомалар юритади.

15.5. Тафтиш комиссияси Жамиятнинг манфаатлари учун хавф туғилганда ёки Жамиятнинг мансабдор шахслари йўл қўйган суиистеъмолликлар аниқланганда

акциядорларнинг ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан Акциядорлар умумий йиғилиши чақирилишини талаб қилиши шарт.

15.6. Жамиятнинг молиявий-хўжалик фаолиятини текширишнинг яқунлари бўйича, Тафтиш комиссияси ёки Аудитор хулосани тайёрлайди, унда қуйидагилар бўлиши лозим:

- Жамиятнинг ҳисоботларида ёки бошқа молиявий ҳужжатларида бўлган маълумотлар ҳаққонийлигига баҳо бериш;

- Жамиятнинг молиявий-хўжалик фаолиятини амалга ошириш давомида бухгалтерлик ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботини тақдим этиш тартибини, шунингдек Қонунчиликни бузиш ҳолатлари тўғрисидаги маълумотлар.

Уставнинг мазкур 15.6-бандида кўрсатилган ахборотдан иборат хулоса Жамият АУЙда тингланади.

15.7. Тафтиш комиссияси ҳар чорақда Жамият Кузатув кенгаши мажлисига Аффилиланган шахслар билан битимлар ёки Жамиятда йирик битимлар мавжудлиги, шунингдек бундай битимларни тузишга нисбатан Қонунчилик ва Жамиятнинг ички ҳужжатлари талабларига риоя қилиш тўғрисида хулосани киритади.

15.8. Жамиятнинг Тафтиш комиссияси ваколатларига қуйидагилар киради:

- Жамиятнинг молиявий ҳужжатларини аудит қилиш, мол-мулкни инвентаризация қилиш бўйича Тафтиш комиссиясининг хулосаси, кўрсатилган ҳужжатларни бирламчи бухгалтерия ҳужжатлари маълумотлари билан таққослаш;

- Жамият номидан тузилаётган шартномалар қонунийлиги, амалга оширилаётган битимлар, контрагентлар билан ҳисоб-китоблар қонунийлигини текшириш;

- бухгалтерия ва статистик ҳисоб юритилиши амалдаги меъёрий қоидалар билан мос келишини таҳлил қилиш;

- Жамият молиявий-хўжалик, ишлаб чиқариш фаолиятда белгиланган нормативларга, қоидаларга ва ҳ.к. риоя қилинишини текшириш;

- Жамиятнинг молиявий аҳволини, унинг тўлашга қодирлигини, активлар ликвидлигини, ўз ва қарзга олинган маблағлар нисбатини таҳлил қилиш, корхонанинг иқтисодий аҳволини яхшилаш захираларини аниқлаш ва Жамиятни бошқариш органлари учун тавсияларни ишлаб чиқиш;

- маҳсулот ва хизматлар етказиб берувчилар томонидан бюджетга тўловларни ўз вақтида ва тўғри киритилиши, дивидендлар ҳисобланиши ва тўланиши, бошқа мажбуриятлар узилишини текшириш;

- солиқ инспекция, статистика органлари, давлат бошқарув органлари учун баланслар, ҳисобот ҳужжатлари тўғри тузилишини ва Жамият бухгалтерия нормаларига амал қилинишини текшириш;

- Бош директори томонидан қабул қилинган қарорлар тўғрилиги, уларнинг Уставига, Бош директор тўғрисидаги низомга ва Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорларига мувофиқлигини текшириш;

- Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорларини таҳлил қилиш, Қонунчиликга ва бошқа норматив ҳужжатларига зид қилганда, уларни ўзгартириш бўйича таклифлар киритиш.

16-МОДДА.

АФФИЛЛАНГАН ШАХСЛАР БИЛАН БИТИМЛАР

16.1. Аффилланган шахс билан тузилаётган битимни маъқуллаш ҳақидаги қарор мажлисда иштирок этаётган жамият кузатув кенгаши аъзолари томонидан бир овоздан ёхуд акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этаётган акциядорларнинг малакали кўпчилик овози билан қабул қилинади. Бунда жамиятнинг аффилланган шахси билан активларининг қиймати жамият соф активлари қийматининг ўн ёки ундан кўп фоизини ташкил этадиган битим тузиш тўғрисидаги қарор мол-мулкнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ баҳоловчи ташкилот томонидан белгиланган бозор қиймати ҳисобга олинган, мустақил ташқи аудиторлик ташкилоти томонидан битимнинг шартлари ўрганилган ҳолда мажбурий тартибда қабул қилинади.

16.2. Агар Жамият Кузатув кенгашининг иккита ва ундан кўпроқ аъзолари Аффилланган шахслар бўлса, битим бўйича қарор АЖ тўғрисидаги Қонунда ва мазкур Уставда белгиланган тартиб ва муддатларда Жамият Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади. Бу ҳолда, Аффилланган шахс билан битимни маъқуллаш тўғрисида қарор Акциядорлар умумий йиғилишида иштирок этувчи акциядорларнинг квалификацияланган кўпчилик овози билан қабул қилинади.

16.3. Жамиятнинг Аффилланган шахси муҳокама қилишда иштирок этишга ҳақли эмас ҳамда Жамият Кузатув кенгаши ва Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан ушбу битим бўйича қарор қабул қилишда овоз беришга ҳақли эмас.

16.4. Агар Аффилланган шахс билан битим бир вақтнинг ўзида йирик битим бўлиб ҳисобланса, унда уни амалга ошириш тартибига АЖ тўғрисидаги Қонунда ва мазкур Уставнинг 12.5 ва 13.5-моддаларида белгиланган йирик битимни тузиш қоидалари қўлланилади.

16.5. Агар аффилланган шахслар билан тузилаётган битимлар “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 91-моддасида келтирилган истисно ҳолатлари мавжуд бўлган тақдирда, аффилланган шахслар билан тузиладиган битимлар бўйича талаблар тадбиқ этилмайди.

17-МОДДА.

ИЧКИ АУДИТ, КОМПЛАЕНС ХИЗМАТИ ВА ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИ УСТИДАН НАЗОРАТ

17.1. Агар Жамият баланс қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг юз минг баравар миқдоридан ошиб кетган активларга эга бўлса, Жамиятда ички аудит хизмати («Ички аудит хизмати») тузилади. Ички аудит хизмати Жамиятнинг Кузатув кенгашига ҳисоб беради.

17.2. Ички аудит хизмати Жамият Ижро этувчи органи, ваколатхоналари ва филиаллари томонидан қонун ҳужжатларига, Қонунчиликка, таъсис ва бошқа ҳужжатларга риоя қилинишини қилиш, бухгалтерлик ҳисоби ва молиявий ҳисоботларда маълумотларнинг тўлиқ ва ҳаққоний акс эттирилишини таъминланишини, молиявий-хўжалик фаолиятини амалга оширишнинг қоидалари ва тартибига, шунингдек Қонунчилик билан белгиланган Жамиятни бошқариш бўйича талабларига риоя қилиш орқали амалга оширади.

17.3. Ички аудит хизмати ўз фаолиятини Ички аудит хизмати тўғрисидаги низомга мувофиқ амалга оширади.

17.4. Жамиятнинг ички аудит хизмати ички назоратни, шу жумладан устав капиталининг 50 фоизидан ортиғи Жамиятга тегишли бўлган юридик шахслар юзасидан амалга ошириладиган операцияларни амалга оширади.

17.5. Жамиятнинг Кузатув кенгашига ҳисобот берадиган ва корпоратив қонунчиликка риоя қилишни назорат қилиш функциясини амалга оширувчи корпоратив маслаҳатчининг лавозими жорий этилиши мумкин.

17.6. Жамиятни мувофиқлаштиришни мониторинг қилиш учун жавобгар бўлган тартибвий бўлинма - Комплаенс хизмати тузилади.

17.7. Комплаенс хизмати Жамият Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган Низом асосида ишлайди, тўғридан-тўғри Жамият Кузатув Кенгашига бўйсунди, Бош директор ва Жамиятнинг Кузатув Кенгашига ҳисобот беради.

17.8. Жамиятнинг комплаенс хизмати Жамиятнинг Ички аудит хизмати фаолиятини назорат қилиш ва баҳолашга ҳақлидир.

17.9. Коплаенс хизмати бошлиғини тайинлаш ва у билан меҳнат шартномасини тузиш Бош директор томонидан 14.4 (xii)-моддани ҳисобга олган ҳолда Жамият Кузатув кенгаши томонидан тегишли номзодни тасдиқлаш билан амалга оширилади.

18-МОДДА.

ЖАМИЯТДА ҲИСОБ ЮРИТИШ ВА ҲИСОБОТЛАР

18.1. Жамият бухгалтерия ҳисоботини юритади ва Қонунчилик билан белгиланган тартибда молиявий ҳисоботларни тақдим этади.

18.2. Қонунчиликга мувофиқ Ижро органи Жамият бухгалтерия ҳисобининг ташкил этилиши, ҳолати ва тўғрилиги, ҳар йиллик ҳисоботлар ва бошқа молиявий ҳисоботларнинг тегишли органларга ўз вақтида тақдим этилиши учун, шунингдек акциядорларга ва кредиторларга тақдим этиладиган Жамиятнинг фаолияти тўғрисидаги маълумотлар учун жавобгар бўлади.

Акциядорлар умумий йиғилишига тақдим этиладиган Жамиятнинг йиллик ҳисоботи, бухгалтерлик баланси, фойда ва зарарлар ҳисобидаги маълумотларнинг тўғрилиги Жамиятнинг Тафтиш комиссияси томонидан тасдиқланиши лозим.

18.3. Жамият Қонунчилик билан белгиланган тартибда ва Жамият билан тузилган шартномага мувофиқ Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини аудит қилиш ва Жамиятга аудиторлик ҳисоботини тақдим этиш учун мустақил аудиторлик компаниясини жалб этиши лозим. Аудиторлик компанияси Жамият ҳисобидан камида бир йилда бир марта Жамиятнинг бухгалтерия дафтарлари ва ёзувларининг текширувини амалга оширади («Аудитор»). Аудиторлик компанияси аудит натижаларига кўра молиявий ҳисобот барча моддий жиҳатлардан тегишли равишда расмийлаштирилган-расмийлаштирилмаганлиги, Жамиятнинг молиявий ҳолати ЎЗНСБУ ва **ХМҲС**га мос келиши-келмаслиги тўғрисидаги хулосани тақдим этади.

18.4. Жамиятнинг йиллик ҳисоботи йиллик Акциядорлар умумий йиғилишини ўтказиш санасигача камида 10 (ўн) кун олдин Жамият Кузатув кенгаши томонидан дастлабки маълумланиши керак. Жамиятнинг йиллик ҳисоботи Қонунчилик бўйича

Акциядорлар умумий йиғилишини ўтказиш учун белгиланган муддатидан кеч бўлмаган муддатда Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади.

19-МОДДА.

ЖАМИЯТНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТУГАТИШ

19.1. Жамият ўз акциядорлар Умумий йиғилишининг қарори бўйича қўшиб олиш, қўшиш, ажратиб чиқариш, бўлиш ва қайта тузиш шаклида қайта ташкил этилиши мумкин. Жамиятни қайта ташкил этиш тартиби Қонунчилик билан белгиланади.

19.2. Жамиятни тугатиш Қонунчиликда назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

Жамият қуйидаги ҳолатларда тугатилиши мумкин:

- Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига мувофиқ;
- Ўзбекистон Республикаси судининг қарорига мувофиқ;
- Қонунчиликда назарда тутилган бошқа ҳолатларда.

Жамиятни тугатиш унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳуқуқий ворислик тартибида бошқа Шахсларга ўтмаган ҳолда Жамият фаолиятининг тўхтатилишига олиб келади.